



Газета 1966 йил  
1 шолдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (13.635)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## 2018 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлиши инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу гоғларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир. Асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланган.

Наврўз байрамининг бекиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу қўтлуғ айёмни юксак савиёда нишонлаш мақсадида:

1. 2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овуларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган, "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган гоғни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур дастурни тайёрлашда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, ўзинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга қўлайлиқни маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ва фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзида мужассам этган оммавий сайиллар ўтказиш;

Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кек-

салар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор-этнографик гуруҳлари ва ансамбллари, таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонанда ва созандалар, бахшилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозларни, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш;

халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, хунармандлик кўрғазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадий ўрашувлар, китоб байрамларини ташкил этиш.

3. Ташкилий қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий ўрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳокимлар раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар тузиш;

байрам сайилларини барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овуларда босқичма-босқич равишда юқори савиёда, об-хаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланинг ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш;

Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетига Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 23 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: ИШБИЛАРМОНЛАР ОНЛАЙН ВИДЕОМУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Тошкентда 23 февраль кунини Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг онлайн видеомулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган видеомулоқотда савдо, сармоя, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, кимё ва озик-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ва қурилыш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирилк ва идоралар, концерн ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ўзбекистоннинг АҚШдаги Факуллода ва муҳтор элчиси Ж.Ваҳобов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ўзбека лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланганини таъкидлади.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ижрочи директори Е.Сон, шунингдек, америкалик тадбиркорлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18-20 сентябрь кунлари АҚШга ташрифи чоғида бир гуруҳ етакчи компаниялар раҳбарлари билан бўлган ўрашув мамлакатларимиз тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиш, икки томоннинг имкониятларини кенгроқ ишга солишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар, маънавий-маърифий ҳаётида кечаётган ислохотлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айнакча

иқтисодий тармоқда амалга оширилган кенг миқёсли чоратадбирларга халқаро таҳлилчилар ижобий баҳо бермоқда. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги янгиланишлар Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлиги янада ортисига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимизда америкалик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 160 дан зиёд корхона фаолият юритаётгани Ўзбекистонда инвесторларга қўшимча қўлайлик, имтиёзлар яратиш, валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги ишларнинг самараси, дейиш мумкин.

Онлайн видеомулоқотда америкалик ишбилармонларга юртимизда турли соҳалар, жумладан, аграр саноатда фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун қатор солиқ ва боғхона имтиёзлари жорий этилгани ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда Американинг "WCC International" компанияси мутасаддилари мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни АҚШ бозорига олиб кириш имкониятлари, халқаро маркетинг, электрон тижорат каби мавзулардаги тақдиротлари билан иштирок этди. АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, пойтахтнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг февраль-март ойларида ободонлаштириш, тозалик ойлиги ўтказилмоқда.

## ОБОД ШАҲРИМ – ОЗОДА ШАҲРИМ

Февраль-март – пойтахтимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

Ободонлаштириш ва тозалик ойлигида:

маҳаллалар, аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бинолар ва уйлар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлақлар ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш;

барча турар жой мавзелари, маҳаллаларда гул қўчалари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, дарахтларни оқлаш ва уларга шакл бериш;

ёрдамга муҳтож, пенсионер ва ногиронлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялашга ҳамда боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш жараёнида йиғилган чиқиндиларнинг ташкилий равишда алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлаш;

хайрия ҳашари қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан

таъминлаш амалга оширилади.

Кунини кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинганидек, шу хусусдаги фармойишга мувофиқ озодалик ва тозалик ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар ва туманлар миқёсида ишчи гуруҳлар тузилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бунда Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология

### ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Ўлкамизга ўз сепини ёйиб зумрад баҳор кириб келмоқда. Мана шундай файзли кунларда барчамиз ҳамжихатлик билан ўзимиз ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасалар, истиқомат қилаётган маҳалла-кўйларимиз ҳудудини обод, озода ва ораста этайлик. Халқимизда "Умрингдан бир кун қолган бўлса ҳам келажак авлод учун дарахт эк", деган пурмаъно ҳикमत бор. Ана шу савобли ишга амал қилган ҳолда мактабгача таълим муассасалар, мактаблар, коллеж ва лицейлар, маҳаллаларимиз ҳудудига мевали дарахтларни экиб, боғлар яратишга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Токи шаҳримизнинг ҳар бир бурчагига қадам қўйган кишининг ободлик ва тозаликдан баҳари-дили очилсин!



**XXI саҳоси**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Андижон темир йўл вокзалида муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар тантанали кутиб олинди. Кенг жамоатчилик вакиллари, собиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз мудофаа қудрати ва ҳарбий салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

• Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармонига кўра, Самарқанд вилоятининг Ургут, Пастдаргом ва Нуробод туманларида 816 гектар ер майдонига эга "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Айни пайтда мазкур иқтисодий зонада умумий қиймати 188,7 миллион долларлик 58 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 258,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва 80,5 миллион долларлик экспорт қилиниши кутилмоқда. Энг муҳими, 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

• "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, "Ёш адолатчилар", "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этган тадбирда 2017 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

• Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўз байрами тантаналари доирасида 20-21 март кунлари биринчи марта ташкил этиладиган "Сумалак сайли" туризм ва миллий қадриятлар фестивалида 5 тонналик сумалак тайёрланади.

• Навоий кон-металлургия комбинатининг Қизилқум кенгликларидеги энг йирик қони – "Мурунгов"нинг 570-горизонтида илк портлатиш ишлари амалга оширилди. Қизилқумни ўзлаштириш лойиҳаси бошлангандан буён ўтган 50 йил мобайнида кондан 1,5 миллиард куб метрдан зиёд тоғ жинслари қазиб олинган. Янги босқичнинг бошланиши нодир металл – олтин захирасини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

### ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Falcon русумли ташувчи ракетаси томонидан ернинг учта сунъий йўлдошининг Коинотга парвози муваффақиятли амалга оширилди.

• Махсус хизматлар томонидан Аргентинадан Россия ва бошқа Европа давлатларига дипломатик почта орқали гиёҳванд моддаларни яширинча юбориш канали фош этилиб, ушбу қабих фаолиятга барҳам берилди.

• Лянбинь Ху бошчилигидаги Мэриленд университети (АҚШ) тадқиқот гуруҳи металл каби мустаҳкам ёғоч ихтиро қилди. Ёғочни қайта ишлашнинг янги усули уни 12 баробар кучлироқ ва 10 марта қаттиқроқ қилиш имконини беради. Бу янги материал пўлат ва ҳатто титан қотишмаларига рақобатчи бўлиши мумкин: ҳам бардошли, ҳам узок муддатга фойдаланишга мўлжалланган, сезиларли даражада арзон. Олимларнинг таъкидлашича, "супер ёғоч"ни саноат миқёсида жуда кўп миқдорда ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичида унга турли хил шакл бериш мумкин.

## МАҲСУЛОТЛАР МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ 3 КУНДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

**Президентимизнинг 2017 йил 28 апрелдаги  
“Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
Қарори асосида “Ўзстандарт” агентлиги янги  
мақсад ва вазифалар ижросига киришди.**

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида “Ўзстандарт” агентлиги бош директори А.Каримов ва соҳа масъуллари ислохотларнинг янги босқичида тизимда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлади.

Агентлик маҳаллий маҳсулотларнинг замонавий талабларга мувофиқлиги, хавфсизлигини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қўлай шароитлар яратиш, метрология тизимини янада ривожлантириш каби қатор вазифаларни бажармоқда.

Журналистлар агентлигининг ўтган йилда амалга оширган ишлари, истиқболли режалари билан қизиқди.

Таъкидландики, Президентимизнинг 2017 йил 21 июндаги “Маҳаллий экспорт қилувчи ширкатларини янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан келтирилган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш мuddати 3 иш кунига қисқартирилди. Шунингдек, маҳсулотларни сертификатлаштиришдан уларни декларациялаш йўли орқали мувофиқлигини баҳолаш тизимига ўтилмоқда.

Ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан химоя қилиш механизмларидан бири – бу маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимидир. Сертификатлаштириш жараёнида маҳсулот сифати ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш орқали белгиланган талабларга мослиги аниқланади.

Мутахассислар маълумотиغا кўра, 2017 йилдаги сертификатлаштириш жараёнида 141 миллиард 547 миллион сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилган. Уларнинг асосий қисмини импорт маҳсулотлари ташкил этган ва ички бозорга киритилишининг олди олинган.

Ўтган йили сертификатлаштириш идоралари томонидан ўтказилган инспекция назорати чоғида ишлаб чиқаришга расмийлаштирилган 1815 мувофиқлик сертификатига камчиликлар аниқланиб, уларнинг амал қилиш мuddати вақтинчалик тўхтатилган.

Жорий йилда агентлик томонидан “Ҳалол” стандарти қабул қилинди. Айтиш жоизки, “Ҳалол” стандарти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ миллий аккредитациядан ўтказилган сертификатлаштириш идоралари томонидан қўлланилади.

Агентлик Тошкент шаҳри бозорларида сотилаётган болалар ўйинчоқларини текширди. Натижада 5 турдаги болалар ўйинчоқлари ташқи кўриниши ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича меъёрий талабларга номувофиқ деб топилди. Болалар шаклидоғи, чийилдоқ копчок, кўгирчоқлар, қурол-аслаҳа тўпламлари, ёниб турувчи турли ўйинчоқларда нуқсонлар борлиги, формальдегид моддасининг миқдори меъёрдан беш баробар юқори экани аниқланди ва истеъмолдан чиқарилди.

Пресс-клуб сессиясида ўйинчоқ харид қилишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар айтилди. “Ўзстандарт” агентлиги мутахассислари маслаҳатига кўра, ўйинчоқ сотиб олишда, аввало, унинг сифатига, нуқсонлари йўқлиги ва таратаётган хидига эътибор қаратиш керак. Ўйинчоқдан ҳаддан зиёд ўткир хид таралаётган бўлса, демак, унда формальдегид моддаси кўп ва бу болалар саломатлиги учун зарардир.

(ЎЗА)

**Юртимиз қадим тарихи, бой аънаналари, авлиё алломалари, тарихий обидалари, зиёратгоҳлари билан дунёга машҳур. Пойтахтимиз ҳам азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Бу заминдан кўплаб буюк олимлар, улуғ сиймолар етишиб чиққан.**

Президентимиз мамлакатимизнинг қайси ҳудудига ташриф буюрса, ўша ерда замонавий бинолар, истироҳат боғлари, турар жойлар, кенг ва раво кўчалар, замонавий кўприклар, савдо мажмуаларини бунёд этиш билан бирга, тарихий обидалар, зиёратгоҳларни ҳам қайта қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2017 йил 26 май куни давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган “Сузук ота” мажмуасида бўлиб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича тавсиялар берган эди.

Бу ерда тўққиз ойдан буён улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мажмуанинг кириш қисмида автотураргоҳ, музей, дўкон, кутубхона, ичкарида “Сузук ота” мақбараси ва ундан сўнг масжид бунёд этилмоқда. Мажмуага кирверишда йўлнинг икки томонида хунармандлар учун икки қаватли ўттиз тўртта намунали уй-жой қурилади.

– Бизда хунармандликнинг кўплаб йўналишлари ривожланган, – дейди бу маҳаллада яшовчи Асқар ота Обидов. – Неча йиллар ўтган, бир неча авлодлар алмашган бўлса-да, аънаналар давом этмоқда. Энди бу жой ҳақиқий хунармандлар маркази бўлиши шубҳасиз.

Хунармандлар учун бу маскандан жой ажратилиши беҳиз эмас. Асли исми Мустафоқул бўлган Сузук ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёлғиз қизи Гавҳари Хуштожнинг (Хуштари) кенжа фарзанди бўлган. 1140 йилда Туркистоннинг Қорачўқ қишлоғида таваллуд топган Мустафоқул бобосининг хизматига борганида Аҳмад Яссавий уни “Менинг сузигим, (суяклингим) хуш келдингиз!”, деб эрқалаган экан. Шунинг учун аввал унинг яқинлари, сўнг бошқалар ҳам уни Сузук деб атаётган экан. Балогатга етгач кароматлар соҳиби Тошкентдаги Чарқар, Чукүрүприк (Чўпонота) ва Мирлар маҳаллаларига туташ бўлган кимса-

сиз, тепалик ва жарликлардан иборат ерда қўним топиб, шу маҳаллани обод қилишга киришади. Ўзи туғилган юртидан қорилар, уста-хунармандлар, яқин дўст-биродарларини олиб келиб, уй-жойлар қурдириб, барчага бошпана бериб, илм ва хунарни кенг оммага жорий қила бошлаган. Ёшларга деҳқончилик, хунармандлик ва бошқа касб-кор сирларини ўргатган. Юзлаб хунарманд уста-шоғирдларга пирю комил бўлган. Кароматгўй устоз 1217 йилда вафот этган. Уша пайтда бу маҳалла “усталар”, “хўжалар” маҳалласи деб юритилган.

Сузук ота номини абадийлаштириш, азалий хунармандлик, устоз-шо-

хона қурилган. 1985-1990 йиллар-гача шаҳардаги энг катта гумбазли (диаметри – 10 метр) масжид бўлган зиёратгоҳ шу ҳолича қолган.

Ватанимиз мустақиллиги арафасида корхона бошқа ерга кўчирилиб, вайрона ҳолатдаги бино маҳалла ихтиёрига берилди. “Шош” кичик корхонаси хунармандлари ва маҳалла аҳли ёрдамида таъмирланиб, 1996 йили рамазон ойида масжид ўз фаолиятини қайта бошлади ва бу жой

**Президент ташрифидан сўнг...**

## “СУЗУК ОТА” МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШИДА ИШ ҚИЗГИН

гирд аънаналарини давом эттириш, миллий қадриятларимизни янада такомиллаштиришда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилаётган ушбу маданият марказининг аҳамияти катта.

XX асрда маҳалла номи “Бауман”, “Коминтерн”, “Қаҳрамон” ва “Обод” деб ўзгартирилган. Мустақилликдан сўнг қайтадан Сузук ота маҳалласи, дея атаб келинаётгани авлиёга бўлган юксак эҳтиром ва эътироф намунаси.

Ушбу маҳалланинг гузар қисмидаги мақбара ва масжид Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилгани ҳақида маълумотлар бор. Хонақоҳ ва айвонда етти юзга яқин намозхон ибодат қилиши мумкин бўлган. Афсуски, 1930 йили масжид ва мадраса ёпилиб, металл буюмлар корхонасига айлантилган. Хўжалар ўрнида корхона идораси ва омбор-

юртимиз хунармандларининг севимли масканига айланди.

Айни вақтгача бўлган бунёдкорлик ишларидан сўнг масжидда 900 киши намоз ўқиши мумкин бўлган айвон қад тикланди.

– Ушбу мажмуада ишлаётганимдан бахтиёрман, – дейди хивалик уста Тоҳир Эгамбердиев. – Жуда кўп масжид ва мақбаралар қурилишида иштирок этганман. Аммо бу жойнинг ўзгача файзи бор. Ҳар қандай шароитда иш қизгин бўлади. Бу маскан барпо этилаётганида ҳикмат кўп.

Мажмуада “Ижод-Ижод” хусусий корхонаси мутахассислари томонидан кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан уста-хунармандлар фаол иштирок этмоқда. Қурилиш ишларининг элқизи фаизи яқунланган. Энди безак бериш ва камчиликларни тўлдириш би-

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Озарбайжон ишбилармон доиралари вакиллари ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида бизнес-форум ташкил этилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ТАДБИРКОРЛИКДА ЯНГИ ҲАМКОРЛИК ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Тадбирда Озарбайжоннинг қурилиш, савдо, тиббиёт анжомлари, фармацевтика, қадоқлаш материаллари, матбаа, АКТ каби соҳаларда фаолият юритаётган йирик компанияларидан 20 дан ортиқ вакил, маҳаллий корхона ва компанияларнинг 50 дан ортиқ масъули иштирок этди.

Тарихий қадриятлари, дунёқароши, маданияти ўхшаш икки мамлакат ишбилармон доиралари учрашувида сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев, Озарбайжон Тадбиркорлар уюмлари миллий конфедерацияси президенти Мамед Мусаев ва бошқалар икки давлат тадбиркорлари ўртасида шериклик муносабатларини кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар яқин келажақда ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

Таъкидландики, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда қўлай ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилиши, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари учун текширувларнинг кескин камайирилиши, кредит ажратишда содда-лаштирилган тартиб жорий этилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда Озарбайжон сармоясини иштирокида 84 корхона фаолият юритади. Улардан 71 таси кўшма, 11 таси тўлиқ озарбайжонлик ишбилармонлар сармоясини иштирокидаги корхоналардир. Ушбу корхоналар савдо, машинасозлик, металл қайта ишлаш, молия, энергетика, хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат ва енгил саноат каби соҳаларда фаолият юритмоқда.

Тадбирда бу кўрсаткичлар мавжуд имкониятларга мос эмаслиги қайд этилди. Икки давлат тадбиркорлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Асосий эъти-

бор янги қўшма корхоналар сонини ҳамда икки томонлама маҳсулот айланмаси ҳажмини оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Ўзқурилиш-материаллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Tashkent city” халқаро ишбилармонлик маркази дирекцияси, Озарбайжон Республикаси Тадбиркорлар уюмлари миллий конфедерацияси, “Neuron Technologies LLC” компанияси масъул вакиллари тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга доир тақлифлар билдирди.

– Ўзбекистонда тадбиркорлик янги ривожланмоқда. Айниқса, аёллар тадбиркорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли, – деди Озарбайжонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ассоциацияси раиси Сабина Бабаева. – Биз ҳам тўқимачилик ва тиббиёт соҳасида ўзбекистонлик тадбиркор аёллар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида тақлифлар билан келдик. Ўйлаймики, ўзбекистонлик тадбиркор аёллар билан осон тил топишмас ва ҳамкорлигимиз кутганимиздек ривожланади.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Озарбайжон Тадбиркорлар уюмлари миллий конфедерацияси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Халқаро пресс-клуб кўмағида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов ва Озарбайжон Тадбиркорлар уюмлари миллий конфедерацияси президенти М.Мусаев иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорликдан бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Озарбайжонлик ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистондаги йирик компаниялар билан танишиши, вазирилик ва идораларда учрашувлар ташкил этилиши, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий қадим шаҳарларга саёҳат уюштирилиши режалаштирилгани айтилди.

**Улуғбек АСРОПОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Умумжаҳон гидлар ва экскурсия етакчилари кунини доирасида “Буюк Ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик” II халқаро гидлар форуми бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирилик, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон, Россия, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Сербия давлатларидан туризм ва маданият соҳасидаги ташкилотлар, Бутунжаҳон туристик гидлар уюмлари федерацияси, гидлар миллий уюмлари вакиллари, халқаро экспертлар, гидлар ва музей экскурсияси етакчилари иштирок этмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳақимов, маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова, Тасвирий санъат галереяси директори Ж.Темурхўжаев, “Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика маркази” давлат унитар корхонаси директори Е.Г.Голлишева, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Д.Бадарч, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Е.Утембаев ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз туристик салоҳиятини юксалтириш, соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида улкан ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон замини қадимдан Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги улкан салоҳиятга, табиий, тарихий ва маданий бойликларга, гўзал анъана ва урф-одатларга эга ҳудуд сифатида бутун дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлган. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳаларда, балки туризмда ҳам янги ривожланиш босқичига қадам қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қўлай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорига кенг тарғиб этиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларни тарғиботини янги босқичга кўтариш, юртимизга келаётган туристлар оқимини кўпайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Гидлар – кўп қиррали касб эгалари. Ҳар қандай мамлакатга ташриф буюрган сайёҳ улар орқали ўша давлат ҳақида таассуротга эга бўлади, баҳо беради. “Буюк Ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик” II халқаро гидлар форуми соҳада фаолият юритаётган халқаро мутахассислар, гидлар ва музей экскурсияси етакчиларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, экскурсия фаолияти ва гидлар миллий уюмларининг иш юритиш бўйича долзарб ва муҳим вазифаларни муҳокама қилиш, дунё ҳамжамиятида гид касбининг маъқеини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун кенг имкониятлар майдонига айланди.

– Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўляман, – дейди Туркия гидлар уюшмаси бошқаруви аъзоси Мустафо Ялчинкая. – Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркия Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳалар қатори туризм йўналишида ҳам ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга келишиб олинди. Бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон – тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадимжоларга бой юрт сифатида улкан туристик салоҳиятга эга. Мамлакатимизда бу юксак салоҳиятни бутун дунёга намойиш этиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан катта қадамлар ташланаётгани қувонарлидир. Бугунги форум ҳам Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда муҳим қадам бўлишига ишонаман.

– Жорий йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили, деб эълон қилинди, – дейди Қозоғистон гид-таржимонлар мактаби раҳбари, “Арман-тур” миллий сайёҳлик агентлиги директори Салтанат Абжанова. – Бу туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан бирга кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирганми. Бу икки давлатнинг туризм соҳасидаги ривожидида муҳим аҳамият касб этади. 2015 йили I халқаро форумда қатнашиб, Хивада малака оширдим, ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан билим ва тажриба алмашдим, бу ерда ўрганганларимни юртимда тарғиб қилдим. Бу галги форум ҳам гидларнинг профессионал кўникмасини юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Форум доирасида “Буюк Ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик” халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Гидларнинг кундалик фаолиятига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди. “Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика маркази” ДУК ва Қозон федерал университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Тошкент ва Бухоро шаҳарларининг гидлари ва музей экскурсияси етакчилари учун халқаро экспертлар томонидан маҳорат дарслари ўтказилади.

**Байрам АЙТМУРОВОВ**



Ушбу мажмуада ишлаётганимдан бахтиёрман, – дейди хивалик уста Тоҳир Эгамбердиев. – Жуда кўп масжид ва мақбаралар қурилишида иштирок этганман. Аммо бу жойнинг ўзгача файзи бор. Ҳар қандай шароитда иш қизгин бўлади. Бу маскан барпо этилаётганида ҳикмат кўп.

6,5 гектар майдонда барпо этилаётган, миллий ўймакорлик асосида ишланган нақшинкор эшик-ромлар, устун ва тоқлар билан безакланадиган, миллий ва замонавий меъморлик санъатини ўзида мужассам этадиган улкан мажмуа жорий йил мустақиллик байрами арафасида илк зиёратчиларини қабул қилади.

Зиёратгоҳни қуриш мақсадида бу ердаги эски хонадонлар бузилиб, аҳолига ер ва уй-жойлар ажратилди.

– Ўрганган жойдан кетиш осон эмас, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Турсунов. – Лекин маҳалла аҳли бу мажмуа Қозоғистон, Тожикистон, Туркия ва юртимиз аҳолисини бир-бирига янада яқинлаштиришини англаган ҳолда, уй-жойини тарқ этиб, ўз ихтиёри билан қурилиш ишларига ёрдам бермоқда. Чунки Сузук отанинг авлодлари асосан шу тўрт мамлакатга тарқаб кетган. Улар авваллари ҳам бу ерда зиёратга келиб турган.

Жорий йилнинг 9 февралда Президентимиз пойтахтимизда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишаркан, “Сузук ота” мажмуасидаги қурилиш ишларини ҳам кўздан кечирди. Бу ерда зиёратчилар учун янада қўлайликлар яратиш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўшимча топшириқлар берди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА**

# ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШДА МУҲИМ ОМИЛ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида 22 февраль куни Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-илмий кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Учрашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 2017 йилда олиб борилган ҳарбий-илмий ишларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасидаги талаб ва низомилар ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, 2018 йилга мўлжалланган вазифаларни белгилашдан иборатдир.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-илмий кўмитаси аъзолари, олий-ҳарбий таълим муассасалари бошлиқларининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосарлари, илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётган офицерлар, лойиҳа ижрочилари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан ҳарбий фанларни комплекс ривожлантириш, иқтидорли ёшларни инновацион илмий-тадқиқот лойиҳаларига фаол жалб қилишда илм-фан ва интел-

лектуал салоҳиятдан самарали фойдаланишга доир аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ҳарбий курилиш ва мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўналишларидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, ҳарбий фанлар ва кўшинларнинг "таълим – илм-фан – инновациялар – ишлаб чиқариш" замонавий схемаси бўйича яқин интеграциясини таъминлаш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаларининг мавжуд имкониятларини сафарбар қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси раҳбарияти томонидан мамлакатимиздаги 14 олий таълим муассасаси билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди ва бу, ўз навбатида, улар ўртасида ўқув-услубий адабиётлар алмашинуви учун имкониятлар яратди.

2017 йилда видеоконференция шакли-

да ҳарбий ўқув муассасалари ва ҳарбий округлар иштирокида 15 ҳарбий-илмий анжуман ўтказилди, "Ҳарбий таълим ва илм-фанда инновациялар" журнали нашрга тайёрланди.

Ҳисобот даврида турли олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш академия фаолиятида янги йўналиш бўлди.

Ҳарбий фанларни кўшинлар ҳаётига имкон даражасида кўпроқ яқинлаштириш вазифаси қўйилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг бўлим бошлиғи, подполковник Собиржон Абдураимов. – Хусусан, Президентимиз ўз чиқишларининг бирида ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан бардошлилигини ошириш вазифасини қўйган эди. Сир эмас, жанговар ҳаракатлар чоғида шахсий таркибдаги асосий йўқотишлар кучли руҳий зўриқиш, руҳий зарба олиш билан бог-

лиқ бўлиб, уларнинг асоратларини ҳатто тинч ва осойишта замонда ҳам енгиб ўтиш баъзан мушкуллик туғдиради. Ҳарбий психологлар томонидан 2017 йилда қўлланилган руҳий тетикликни ошириш ва ривожлантириш услубларига ўқитиш мавзуси жорий йилда ҳам илмий-тадқиқот ишларининг асосини ташкил қилмоқда.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, миллий армиямиз ташкилий тузилмаси, кўшинлар ва қурол-яроғни бошқариш тизимини такомиллаштириш, етакчи ҳорижий мамлакатлар армиясининг ҳозирги кундаги ҳарбий низолаб жараёнида кўлга киритилган илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш, қуролли кучлар ва кўшин турларининг тўлиқ равишда тезкор мослашувига эришиш, турли куч тузилмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш каби масалалар бўйича ҳарбий-илмий изланишларни янада кенгайтириш зарур.

Тадбир доирасида амалий тақлифлар киритилди, ҳарбий-илмий тадқиқотларни ташкил қилишга оид муаммолари масалалар аниқланиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-илмий кўмитасининг йиғилиши мамлакатимизда ҳарбий фанларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аблай КАМЛОВ

## Қарздорлар диққатига:

# АВВАЛ ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ТЎЛАНГ, СЎНГ БИЗДАН ХИЗМАТНИ СЎРАНГ

**Хабарингиз бор, 2017 йил 29 майда давлатимиз раҳбарининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланганди.**

Фармонга кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ундирилиши, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланishi ҳамда талон-тарож қилиш ҳолатларини аниқлаш, баргараф этиш ва олдини олиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Лекин айрим фуқароларимиз электр энергиясидан йиллар мобайнида фойдаланиб келгану ҳақини тўлашни эса "унутган". Бу қарздорлар рўйхатидаги айрим фуқароларнинг тўловлари жуда охиб кетганидан ҳам кўриниб турибди. Ахир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан бюро истеъмолчилар хабардор қилинган пайт-

дан бошлаб беш кун муддат ўтгандан кейин қарздорларни мажбурий, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чоралари қўрилади. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликлар баргараф этилганда, истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун қарзлар тўланганда ҳамда электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта ушлашда истеъмолчи – жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориде, истеъмолчи – юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдориде тўлов ундирилгандан сўнг электр ва газ тармоқларига қайта уланади.

Халқимизда "Қарс икки кўлдан чиқади!" деб бежиз айтмайди-

лар. Ҳурматли истеъмолчилар! Чўқур мушоҳада қилиб кўрайлик. Табиий ресурслардан беминнат тарзда фойдалангандан кейин ишни шу даражага олиб бориш шартми? Ҳуқуқимизни билган ҳолда ўз мажбуриятларимиз ҳам борлигини унутмайлик. Ахир, соҳа ходимлари "Авал электр ҳақини тўланг, сўнг биздан хизматни сўранг" деганларида юз фоиз ҳақдорлар. Кексаларимиз ҳаммиша "Чирогинг ёнсин, болам!" деб дуо қилишди. Истарикики, қарздорлар вақтида ўз тўловларини амалга оширсалару наники уйимизда, балки кўнглимиз "уйи"да ҳам чирогимиз ҳаммиша ёниб турса.

Биз аввалги мақоламизда ҳам коммунал тўловлар масаласига яна қайтишимизни эслатган ҳолда, ҳар биримизни кўрсатилаётган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашга чақирган эдик. Бугун "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" АЖ мутасаддилари томонидан берилган маълумотларга кўра хизматдан тўлиқ фойдаланган ҳолда тўловни тўлашдан "оқсаятган" истеъмолчилар билан танишишда давом этамиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу қарздорлар орасида мунтазам қонунбузарликка йўл қўйиб, ўзбосимонлик билан тармоқдан узилган электр энергиясини қайта улаб олиб, натижада устам тўловлар ҳисобига қарздорликнинг янада охиб кетишига йўл қўйётганлар ҳам бор.

Биз ўз навбатида коммунал хизматидан қарздорларнинг номларини мунтазам бериб борамиз.

## Тошкент шаҳридаги қайд этилган туманлардаги аҳоли хонадонларининг электр энергияси таъминоти бўйича қарздорлик юзасидан маълумот:

Истеъмолчининг Ф.И.Ш.	Манзили	Ҳисоб рақами	Электрэнергиясидан қарни
<b>Яккасарой тумани</b>			
З.Сычкова	"Богсарой" маҳалласи, Закироф кўчаси, 30-уй	0347321	7 194 287
С.Шомакурова	"Конституция" маҳалласи, Бобур боғи кўчаси, 14-уй	0393132	5 907 901
Е.Аганова	"Шоҳалон" маҳалласи, Асия кўчаси, 42-уй, 10-хонадон	0515716	16 820 994
Г.Календаров	Мудрий номи маҳалла, Ҳамшира кўчаси, 18-уй	0529046	4 592 305
Р.Ураев	Мудрий номи маҳалла, Эстимор 4-тор кўчаси, 13-уй	0529037	3 452 765
<b>Миробод тумани</b>			
С.Мауленов	"Тоғи қудуғи" маҳалласи, Водил 3-тор кўчаси, 13-уй, 6-хонадон	0387037	3 456 124
И.Сабитова	"Парвоз" маҳалласи, Муин кўчаси, 12-уй	1363177	7 636 740
З.Назирова	"Минг ўрик" маҳалласи, Молтабиб кўчаси, 10-уй, 12-хонадон	0361475	3 095 879
М.Хусанова	"Миробод" маҳалласи, Катта Миробод кўчаси, 75-уй	0282154	15 488 217
Г.Оғаян	"Истиқлолбод" маҳалласи, Топшоқ берк кўчаси, 2-уй	0470108	13 361 925
<b>Шайхонгоҳур тумани</b>			
Г.Умарова	"Ипачи" маҳалласи, Кичик халса йўли кўчаси, 60а-уй, 109-хонадон	1554274	5 892 731
Л.Султонов	"Катта Жарарик" маҳалласи, Жарарик кўчаси, 2-уй, 79-хонадон	1745503	11 462 168
Х.Комиллов	"Бўстон" маҳалласи, Ал-Хоразмий кўчаси, 26а-уй	1711143	6 876 505
К.Мирзаходжаев	"Ўзбекистон" маҳалласи, Рихис Усмонов кўчаси, 7-уй	1710596	6 662 294
<b>Сергели тумани</b>			
М.Тахирова	"Олтин Водий" маҳалласи, Мирзи Хайдар кўчаси, 2-тор кўча, 17-уй	0413599	5 913 174
К.Тўйчиева	"Чоптепа" маҳалласи, Чоптепа 10-тор кўчаси, 13-уй	1828165	5 564 408
Л.Тимофеева	"Нўғай кўрғон" маҳалласи, Кубейтепа кўчаси, 68-уй	1136270	4 704 906
К.Джаримбетова	"Нўғай кўрғон" маҳалласи, Моҳлавл кўчаси, 73-уй	0483300	3 231 149
Д.Қозлова	"Кипчоқ" маҳалласи, Сергели-4 маҳалласи, 18-уй, 19-хонадон	1520339	3 032 604
<b>Олмазор тумани</b>			
М.Турдиев	"Юрри Себзор" маҳалласи, Себзор маҳалласи, 52-уй, 16-хонадон	0107107	14 063 025
Б.Исаев	Беруний номи маҳалла, Нозимхоним 7-тор кўчаси, 53-уй	1109485	9 089 444
Т.Шамсутдинова	"Бўстонбод" маҳалласи, Қораканит 2/1 маҳалласи, 43-уй, 57-хонадон	1385057	10 031 974
Ш.Салтқова	"Шоҳиёна" маҳалласи, Мухбир кўчаси, 9-уй, 25-хонадон	1847153	3 583 869
А. Садиков	Чустий номи маҳалла, Гунча кўчаси, 2-уй, 43-хонадон	1813195	17 314 623

<b>Учтепа тумани</b>			
Б.Султанов	А.Қодирий номи маҳалла, Зафарий 2-тор кўчаси, 15-уй	0643068	4 348 121
А.Ҳайдаров	"Катта Қазин" маҳалласи, Нурилла Саидов 1-берк кўчаси, 1-уй	1692338	6 230 196
Я.Исмаилова	"Қозғузар" маҳалласи, Фозилтепа 1-тор кўчаси, 17-уй	1812017	7 723 600
У.Юсунов	"Қозғузар" маҳалласи, Итти 4-тор кўчаси, 17-уй	1812798	3 178 683
М.Абдуллаева	Фирод номи маҳалла, Чилонгор 23-макжа, 13-уй, 41-хонадон	1198201	13 718 704
<b>Чилонгор тумани</b>			
С.Қиён	"Чилонгорта" маҳалласи, Чилонгор 19-макжеси, 6-уй, 27-хонадон	0016131	4 856 071
А.Хоружин	"Навоҳиши" маҳалласи, Навоҳиши кўчаси, 22-уй, 61-хонадон	0673339	14 072 138
У.Эргашев	"1-Чарк қамонли" маҳалласи, Етти текрак кўчаси, 45-уй	0741034	7 087 339
С.Исаев	"2-Катта Чилонгор" маҳалласи, Чилонгор 2-макжеси, 44-уй, 20-хонадон	0802053	3 330 139
З.Назирова	"Нафосат" маҳалласи, Чилонгор 8-макжеси, 43-уй, 67-хонадон	0999211	3 233 185
<b>Янгибод тумани</b>			
Г.Ғаниева	"Янгибур" маҳалласи, Чилонгорта кўчаси, 5-уй	1256407	10 443 267
А.Баҳромов	Назира номи маҳалла, Хосият кўчаси, 3а-уй	0252526	4 597 217
Д.Таджибаева	"Тузек" маҳалласи, Тузек кўчаси, 1-макжа, 33-уй, 113-хонадон	1573257	4 305 256
Ж.Умаров	Хосият номи маҳалласи, Итат 2/2 кўчаси, 6-уй	1322466	4 714 982
Ш.Салимбекова	"Катта Янгибод" маҳалласи, Чилонгорта кўчаси, 32-уй	1256271	5 236 543
<b>Юнусобод тумани</b>			
В.Пусташинская	"Болвонор" маҳалласи, Болвонор 3-тор кўчаси, 9-уй	0194113	3 750 401
С.Низова	"Янгирик" маҳалласи, Ифтихор 7-тор кўчаси, 31-уй	0545105	10 770 024
Ш.Умаров	"Собирубод" маҳалласи, Юнусобод 9-макжа, 5-уй, 12-хонадон	1598112	3 795 373
Н.Рыскибаева	"Уч Қадриям" маҳалласи, Юнусобод 10-макжа, 3-уй, 99-хонадон	1605179	4 418 577
М.Садиков	"Катта Ҳасанбой" маҳалласи, Ахроробод кўчаси, 9-уй	1667353	6 074 657
Р.Зоҳидов	Исламобод номи маҳалла, Юрри Қораканит кўчаси, 17-уй	1807139	7 048 472
<b>Мирзо Улугбек тумани</b>			
В.Жмак	Ҳ.Олимжон номи маҳалла, Мустақиллик 2-тор кўчаси, 13-уй	0239122	65 048 769
Л.Кириенко	"Оққўрғон" маҳалласи, Катта Дархон кўчаси, 3-уй, 4-хонадон	0977022	15 237 689
Н.Мирзалиева	"Олимзор" маҳалласи, Мўминов кўчаси, 3-уй, 45-хонадон	1085042	35 441 306
А.Бекмухамедов	"Мустақиллик" маҳалласи, Ц-2 Олий маҳалласи, 5-уй, 46-хонадон	1319046	12 620 478

## Ахборот-коммуникация технологиялари

# ЭНДИ АЭРОПОРТ ВА АВТОВОКЗАЛЛАРДА САЙЁҲЛАР УЧУН СИМ-КАРТАЛАР СОТИЛАДИ

**Юртимизга таъриф буюраётган меҳмонларни ишончли, барқарор ва арзон нархдаги мобил алоқа билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги аэропорт, автовокзал ва машҳур сайёҳлик масканларида мобил сим-карталар савдоси бўйича сервис йўлга қўйилади. Улар қимматбаҳо роумингнинг қулай муқобили бўлиб, туристларга маблағини тежаш имконини беради.**

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасидан маълум қилишларича, бундай сим-карталарни харид қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби имкон даражасида содда-лаштирилган бўлиб, бунда сотиб олувчидан фақат паспорт талаб этилади. Айрим сабабларга кўра, мобил телефони бўлмаган ёки телефонидаги сим-картани алмаштиришни истамаган сайёҳлар учун икки турдаги телефон ёки мобил роутерни ижарага бериш хизмати тақдим этилади.

Роутер – интернет-трафик пакетини ўз ичига олган, сим-карта бўлган тақдирда Wi-Fi тармоғидан фойдаланиш имконини берувчи қурилма. У бир неча қурилманинг симсиз улашишини амалга ошириб, оилалар ҳамда сайёҳлар гуруҳи фойдаланиши учун қулай ва тежамкор усул ҳисобланади.

"Uzmobile" компанияси махсус тарифларни ишлаб чиққан илк компания бўлди. Тариф 30 кунга мўлжалланган бўлиб, сўзлашув дақиқалари ва интернетга уланish трафиғидан иборат ҳамёнбоп ва қулай пакетни ўз ичига олади. Сим-картага қўшимча равишда брелок ҳам берилади. Қалитга олиб қўйилган ушбу брелок орқали истаган пайтда ўз телефон рақамини билиш мумкин бўлади.

Роман БОНДАРЧУК,  
ЎЗА муҳбири

## СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.**

Меҳнатқашлар ҳамда уларнинг фарзандларининг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиб бориш, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спорт турларининг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, жисмоний ва маънавий соғломликнинг унинг асоси эканини тарғиб этиш ҳамда уларнинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Соғлом оила" широри остидаги республика оилавий спорт мусобақалари шулар жумласидан.

Олмазор туманидаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар мактабида ўтказилган маъмур оилавий спорт мусобақасида туман халқ таълими бўлими муассасалари, мактабгача таълим бўлими, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари, истеъмол товарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, агросаноат мажмуи, металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма ташкилотлари, Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси ташкилотлари, транспорт, йўл ва капитал қурилиш ташкилотлари ҳамда давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари тармоқларидан вакиллар қатнашди.

Тадбирда Олмазор туманидаги 1-БЎСМ тарбияланувчиларининг акробатика ва бадий гимнастика бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Мусобақа бош ҳақами, Олмазор туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Иброҳим Шукуров иштирокчиларга мусобақа шартлари бўйича тушунчалар берди.

Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар "Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш", "Моҳир ҳужумчи", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боллаймиз", "Тезлик эстафетаси", "Эпиклик эстафетаси", "Арқон тортиш мусобақаси", "Бир жамоа эстафетаси" каби шартлар бўйича беллашиб, ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Қизиқарли спорт баҳслари, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ва дўстона руҳ, байрамона кайфият ҳукм сурган мусобақалар сўғида голиблар аниқланди.

Натижаларга кўра ўғил болали оилалар ичиде Назировлар оиласи 1-ўринни эгаллади. Қиз болали оилалар ўртасида эса юқори ўринга Ханнановлар оиласи лойиқ топилди. Улар мусобақанинг шаҳар босқичида қатнашш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Тадбирда оилавий жамоалар ўзлари меҳнат қилаётган тармоқнинг голиби сифатида иштирок этиб, мусобақанинг натижасидан қатъи назар оилада спортга бўлган муҳаббатнинг кучайишига, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилди.

Зиёда РАСУЛОВА



**Жинойт ва жазо**

**ПОЛАПОНИ ҲАЁТИ УЧУН  
ЖОНИДАН КЕЧАДИГАН  
ҚУШЧАЛИК  
БЎЛОЛМАЙМИЗМИ?**

**Одам савдоси нима? Бу ҳақда эшитиш нега оддий ҳолга айланиб бормоқда? Ахир тирикликнинг энг муқаррами, табиат ақл ато этган инсон зотининг бир-бирини пуллаши ҳақида гап кетса-ю, наҳот унга оддий ҳолдек қарасак?!**

Орамиздаги айрим нафс бандалари қилаётган ишларни, яъни ўз боласини сотиш, дўсту биродарини пуллаб юбориш, отасининг кўксига ханжар уришдек мудҳиш ҳолатларни табиатдаги биз ангадиган ҳисоб-лайдиган бирор жонзотнинг зиммасига юклаб бўладими? Афсуски, йўқ. Чунки улар бундай қабиҳлик қилмайди, қилолмайди.

Ўйлаб қолсанг киши. Наҳотки ўз поллопони ҳаёти учун жонидан кеча оладиган қушчалик бўлолмай қолдими одамзод?..

Меҳмон – отангдан улуг, деган халқ мақоли асрлар оша яшаб келади. Бонси, ўз табиатига ҳамоҳанг тарзда топиб айтилган бу ҳикматга амал қилган халқимиз айнан меҳмондўстлиги билан ҳам дунёга танилган.

Аммо ор-номус, миллий гурур каби қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган жиҳнаткорлар меҳмонга жиҳнат қилишдан ҳам тап торتماйтир.

Гап шундаки, Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани "Сувсоз" даҳасидаги қўп қаватли уйларида бирида Нигора ва Зилола исмли икки аёл (мақоладаги исмлар ўзгартирилган) вақтинча ижарада истиқомат қилган. Бир куни бу уйга хонадон соҳибасининг қизи Умид ва унинг ўртоғи Муслима меҳмонга келишади.

Бир дастурхон атрофида йиғилган аёлларнинг орзулари, интилишлари ҳам ўрнатиб чиқиб қолди. Чунки ҳеч бири бирор жойда ишламас, лекин қўп пул топиш, бирдан бойиб кетишни уларнинг ҳаммаси истар эди.

Нигора ва Зилоланинг бу борада Туркия давлатига бориб орттирган тажрибаси меҳмонларни қизиқтириб қўйди. Ресторанда официантлик, ангалик қилишдан катта даромад кўрганлари, автомашина сотиб олганлари...

Қани энди бу гаплар рост бўлса? Бирок, таассуфки, Нигора ва Зилола аслида Туркия давлатига ноқонуний равишда чиқиб кетиб, у ерда фоҳишалик билан шуғулланган ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар томонидан фош этилиб, мамлакатдан мажбурий чиқариб юборилган эди. Улар ушбу қилимлари учун шу вақтда икки ишлар органига чақиртирилган, тергов давом этаётган эди.

Бундай вазиятда сал инсофи бор одам қилмишининг оқибатини, эртага уни нима кутаётганини ўйлаб, дили хуфтон бўлиши аниқ. Аммо Нигора ҳам, Зилола ҳам бундай оддий инсоний туйғулардан мосуво эди. Бўлмаса, онали бугун икки ёш аёлни йўлдан уриш, уларни сотиб, пул ишлашни режалаштиришга ҳадди сизгармиди?

Завқ-шавқ билан қилинган "тарғибот" ўз самарасини кўрсатди. Меҳмонлар Туркияга овланадиган бўлишди. Туркиялик "харидор" билан олиб борилган "музокара"дан сўнг "мижоз"нинг ҳар бири учун 1000 доллардан пул жўнатилди. "Мижоз"лар эса Қозоғистон орқали Туркияга жўнаб кетди.

Умид ҳам, Муслима ҳам кетишларида биров тўқинлик қилмаслиги учун яқинларига сафар ҳақида умулман билдирмаганди. Фақат Умиднинг онаси хабардор эди. Аммо у ҳам қизи каби ёлгонларга ишонган эди. Аёл ўз уйда жинойт содир этган шахслар яшаётганини ҳатто билмасди ҳам.

Умид ва Муслима Туркияга етиб бориши билан алданганликларини англади. Чунки улар ўзлари қутмаган тайяк ва таҳрирларга дучор бўлишди. Умид бундай амаллар турмуш ўртоғига қўнғироқ қилиб, ахволини айтиб, ёрдам сўрайди.

Ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбир натижасида Умид ва Муслиманинг қаерда экани аниқланиб, ҳамкорлар кўмагида улар юртимизга қайтарилди. Ушбу жинойтнинг содир этган шахслар қўлга олиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани судида мажмур жинойт иши очик суд мажлисида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг "г" банди, яъни одам савдоси билан боғлиқ жинойтни содир этишда айбланган бу шахслар аввал ҳам судланган, – дейди Жинойт ишлари бўйича Бектемир тумани суди судьяси Бобур Утамуродов. – Жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда айбланувчиларнинг интернет орқали ёзишмалари, пул ўтказмалари асосида содир этилган жинойт тўлиқ ўз исботини топди. Судланувчиларнинг ҳар бирига 3 йил 6 ой муддатга озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Одам савдосига оид бир жинойтга нуқта қўйилди. Қанидир, бу охириги нуқта бўлса. Одамзод ўз шаънига тўғри келмайдиган бундай қабиҳликни энди қилмаса. Ҳеч бўлмаса, шу чоғга тушаётганлар қўзини очса, меҳнатсиз роҳат кўриб бўлмаслигини англаб етса...

**Норгул АБДУРАИМОВА**

**МАНГУЛИККА ДАХЛДОР  
ОҲАНГЛАР**

**Дунёни гўзаллик қутқаради дейишади. Аслида гўзаллик ҳар бир нарсада, мавжудотда мужассам. У табиат манзараси, инсон кўнгли, юлдузлар жилоси-ю, осмон кенгликлариди, томчи сеҳри-ю, кўёш нурларида ўз аксини кўрсатиб туради. Бироқ дунёда шундай бир сеҳрли кўшиқ борки, у гўзалликдан аралган, гўзалликни улғайтиради, асрайди, камолга етказди. Бу ҳаммамиз учун унутилмас алла сеҳридир.**

Алла... У шундай кўшиқки, уни тинглай олиш, тушуниш, ҳис этиш учун инсон бўлиб яралмоқ, туғилмоқ керак. Зеро, унда она кўнглининг орзиқлишлари, умиди қувончлари ва меҳру муҳаббати яширин. Алла янграётган хонадонда бахт борлигига, ҳаёт давомийлигига-ю аёл саодати боқийлигига ишонинг.

Бунда она шунчаки қўламаяпти. У момолари удуми, қадриятларини мадҳ этиб, яратувчанликка ҳисса қўшапти. Неча йиллик орзулари армонга айланиб қолмаганидан, оила посбони бўлиши турмуш ўртоғини бахтиёр эта олганидан масрур. Бешиқда унинг келажаги, ишончи, орзулари улғаяётганини яхши билади.

Яна бир нарсани – алла билан дилларга эзгулик уруғини экиш, меҳр, оқибат, инсонийлик ришталарини яратиш мумкинлигини ҳис этиб қўлайди. Зеро, бу кўшиқни Алпомишлар, Навоий, Бобур, Нодирбеғим, Тўмарислар, Амир Темур, Мангубердилар тинглаб улғайганлар.

Агар эътибор берган бўлсангиз, гўнагини бағрига олиб алла айтаётган онанинг қўллари бир маромда бола елкасида ўзига хос охангни такрорлайди. Бу эса болага

ёқаётгани, ҳузурбахш этаётганлиги аниқ. Зеро, у гўдақдан тинглаган илк кўшиқ она юрагининг уришига ўхшайди. Демак, сеҳрли алла оханглари юраклар кўшиғи, бунда орзулар, умидлар навоси мужассам.

Момоларимиз ижро этган алла ҳамон барҳаёт эканлиги, ёш оналаримиз томонидан қўланаётганлигини кўриб кўз қувнайди, дилимиз яйрайди. Тиб илмининг даҳоси буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино эътироф этганидек: "Инсон руҳиятини даволамай туриб танни даволаб бўлмайди". Ҳақиқатда мусиқа нафақат бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, балки инсон калбида эзгулик, эртанги кунга умид, яшаш бахтидан масрурликни, кўнглиларга қувончини келтиради.

Алла айтаётган она... У яратувчи, дунёни яшлатувчи, асровчи, қутқарувчи гўдақнинг онаси, она ва бола меҳри оламнинг энг боқий ва давомли гўзал неъматидир. Ҳар бир уйда аллалар янграсин. Ундан нафақат болажонлар кўнгли балки, барча юраклар ором топсин. Ахир биз аллаларсиз яшай олмаймиз...

**Нигора АШУРОВА,**  
Тошкент фармацевтика институти  
Тиллар кафедраси ўқитувчиси

**Футбол янгиликлари**

**ЖАРАЁННИНГ ИККИНЧИ  
БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ**

**ЎФА томонидан Суперлига ва Про-лига клублари футболчиларини махсус тест синовларга жалб этиш жорий қилинганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.**

Мавсум давомида уч марта тест ўтказиш орқали натижалар таҳлил қилиб борилади. Ҳозирча Суперлига жамоалари футболчилари дастлабки тест синовлари нормативларини топширишди. Энди бу жараённинг иккинчи босқичи бошланди. Жараёнда инновацион технологик воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Тест синовларини ўтказишдан

кўзланган мақсад шуки, футболчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолати доимо назоратда бўлади. Ахир футболчи доимо юқори спорт формасида бўлсагина, унинг клуби мусобақаларда муваффақият қозона олади. Энг муҳими, бу жараён миллий терма жамоамизга номзод футболчилар ўртасидаги соғлом рақобатни юзага келтиради.

**ЯНГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ**

**ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.**

Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 72-поғонага лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 77-поғонадан ўрин олган миллий терма жамоамиз бу сафар беш поғона юқорилади. Айни пайтда миллий терма жамоамиз қитъада Эрон, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Саудия

Арабистони ва Хитой терма жамоаларидан кейин 7-ўринда бормоқда. Рейтингни ҳамон Германия пешқадам сифатида бошқараётган бўлса, фахрли 2,3-ўринларни Бразилия, Португалия терма жамоалари эгаллаб туришибди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Қатрлар**

**НУРЛАР**

Офтоб борки, қут-барақа, фаровонлик бор. Ой нури дарахт ва полиз ҳосилларига хушбўй таъм, маза бераркан. Дўстим, яна қанча-қанча нурларнинг саховатидан яйраб юривдим-а. Эҳ, наҳотки гурурга учиб, меҳр нурингни мендан дариг тутсанг! Кўнглим уйи ҳазинликдан зимзиёга гарқ бўлди гўё. Шундай дамларда сенинг меҳр нуринг ўша нурлардан устун ва бебаҳолигини тушунсанг эди.

Дунёда нурлар кўп. Лекин...

**ОДИЛ УСТОЗ**

Бир содда одам донони учратиб сўради:  
— Ҳаётда шунча юрдим-у бирор тарбиячи топмадим, менга ким устозлик қилади?  
Доно айтди:  
— Устоз тополмаган бўлсанг ҳаётдан ўрган. Энг одил устоз ҳаётдир. Шоирнинг мана бу байтини ёдингда тут:  
Кимки ҳаётдан гар олмаса таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

**ИККИ ЮТУҚ**

— Буважон, — деди мўмин содда йигит. — Қулоқбошидан боғимизга сув очиб келаётсам ўзингиз билган ўша кўпол одам, олдин мен боғимни сўғориб олай, деди-да, тайёр сувни шартта ўз томонига бурди. Нима қилай, талаш-шишга бетим чидамади.  
— Ютуқ сенда бўпти, — деди буваси. — Биринчидан тайёр сувни бериб ёмонга ҳам яхшилик қил, деган гапга амал қилибсан. Иккинчидан, сувни талашмай — индамай кўнглингдаги одоб гулингни сақлаб қолибсан. Наинки, унинг кўнгли фирт саҳро. Ундан эсган гармсел шамоли, ёқимсиз сўзи гулингни гужанак қилиб қўяди.

**ГИЙБАТ – ОФАТ**

Бир одам кундалик ибодат ва мўлжалдаги савоб ишларни адо этганидан кўнгли хушнуд ҳолда тунги уйкуга чоғланарди.

— Эй, хом сут эмган банда, — дебди шунда унинг ўнг елкасидаги фаришта. — Бугунги қилган яхши амалларингни амал дафтарида иштиёқ-ла ёзувдим. Эссиз, бир офатнинг ифлос сувидан ювилиб кетди-я.

— Қандай офатнинг? — устига муздек сув тўкилгандек сесканиб тушди одам.

— Гийбат деган офатнинг. Бир мўминнинг ортидан яқин ошнангга чайналиб, пашшадек хатосини филдек қилиб таърифладинг, шайтон васвасасига учиб. Жиндекина кўнгли ёзиб, азият ила топган савобларингни наҳотки ўзинг йўқ қилсанг.

— Узр, тавба қилдим...  
— Гийбат инсонни жаҳаннамга элтгучи офат балоидир.

**РИЗҚИ ЕРДА**

Дала йўлида сигирни етаклаб уйга ошиқардим.

— Жониворнинг қорни тўймабди-ку, — деб қолди ортимдан келаётган таниш амаки. — Ишни қизганиб яхши боқмабсиз.

— Анча жойдаги тизза бўйи келадиган майсани ўриб бердим. Хайронман, — дедим ҳиёл руҳим тушиб.

— Эртага бугун ўриб берган жойингизга ердаги ўтни ўзи есин. "Қўл билан берганга қуш ҳам тўймас" деганлар, деди шошганча ўти бораркан амаки.

— Бу гапда не сир бор экан, дея эртасига уни ўтга қўйдим. Майсаларни узиб еркан, менга ҳам қараб қўяди. "Ердан ўтни ўзим узиб еяётганим қандай яхши, амаки яна ҳамроҳ".

— Дуруст, бугун жониворнинг биқини чиқибди. Молнинг ризқи ерда-да. Игнадек ўтни меҳнат билан тортиқлаб ўзи егани қорнига туюдек бўлиб қиради болам, — деди кўнглимни кўтариб амаки.

**Фани АБДУЛЛАЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2013 йилда Шавкатов Илхомбек Иброҳим ўғли номига Берилган К № 3171418 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент фармацевтика институтига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, "Чимён" қишлоқ фуқаролар йиғини манзилгоҳида жойлашган худуднинг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри, йиғма жилд кадастри йўқолганлиги муносабати билан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"ROTOR INDUSTRIAL" МЧЖ (ИНН 303462088) устав фонднинг 300 000 000 сўмдан 169 500 000 сўмга қисқартирилганлигини маълум қилади.

Этирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади. Тошкент ш. Юнусобод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 17-уй. Тел: 233-62-70.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА  
"ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

кундузи — 15-17 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлослашиш даражаси паст бўлади.